

Зохиджон ИСЛОМОВ

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори
Филология фанлари доктори, профессор
zohidiy@yandex.ru*

ИМОМ БУХОРИЙ “ОДОБ ДУРДОНАЛАРИ” АСАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАЛАРИ

UZBEK TRANSLATIONS OF IMAM BUKHARI'S WORK OF «PEARLS OF THE MORAL»

УЗБЕКСКИЕ ПЕРЕВОДЫ КНИГА “ЖЕМЧУЖИНА ВОСПИТАНИЯ” ИМАМА БУХАРИ

Аннотация: Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий 24 номдаги мукаммал асарлар яратган. Олим илмий меросида “ал-Жомеу-с-сахих”, “ал-Адабу-л-муфрад” асарларининг ўрни катта. Инсоннинг тўлақонли ахлоқий тарбиясига қаратилган “ал-Адабу-л-муфрад” асарига 1322 та ҳадис киритилган. Ушбу асар дунё халқлари томонидан муҳим манба сифатида қабул қилинган ва турли тилларга таржима қилинган. Асарнинг биринчи ўзбек тилидаги наشري Ш.Бобохонов томонидан 1990 йили амалга оширилган. 2006 йили мазкур нашр тўлдирилган ҳолда чоп этилган. 2008-2009 йиллари шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф томонидан “Канзу-л-одоб” номи билан тўрт жилдда босилган. Шунингдек, З.Исломов ва А.Абдуллаев томонидан 2008 йили 380 та ҳадисни ўз ичига олган сайланма чоп этилган. Ўзбек тилидаги мазкур таржималарнинг Имом Бухорий ва унинг нодир асари “ал-Адабу-л-муфрад”ни ўрганишида ўз ўрни мавжуд.

Калит сўзлар: Имом Бухорий, “ал-Жомеу-с-сахих”, “ал-Адабу-л-муфрад”, “Канзу-л-одоб”, ҳадис, ахлоқ-одоб, ота-онага яхшилик қилиш, шарҳ, таржима.

Аннотация: Ведущий мухаддис Имам Бухари написал 24 ценных произведений. Произведения “ал-Джамиеу-с-сахих”, “ал-Адабу-л-муфрад” играют

важную роль в научном наследии ученого. В произведение включены 1322 хадисов, посвященных воспитанию. Настоящий труд признан ценным источником народов мира и переведен на различные языки, в частности на узбекский язык. Первый перевод на узбекский язык сделан в 1990 году со стороны Ш.Бабаханова. В 2006 году это издание было опубликовано полностью. В 2008-2009 годах он был опубликован шейхом Мухаммадом Садином Мухаммадом Юсуфом в четырех томах под названием “Канзу-л-адаб”. Также в 2008 году З.Исламов и А.Абдуллаев опубликовали подборку из 380 хадисов. Эти узбекские переводы нашли свое место в исследовании Имама Бухари и его редкого произведения «Ал-Адабу-л-муфрад».

Ключевые слова: Имам Бухари, “ал-Джамиеу-с-сахих”, “ал-Адабу-л-муфрад”, “Канзу-л-адаб”, хадис, нравы, оказать доброту родителям, комментарий, перевод.

Annotation: Imam Bukhari, a leader of muhaddiths, has created perfect books in 24 names. Imam Bukhari's works “Jami'u-sahih” and “Adabu-l-mufrad” have an important place in his scientific heritage. The work “Adabu-l-mufrad” which was intended at the perfection of human morality includes 1233 hadiths. This work was accepted by the world people as an important source and translated into various languages. The first Uzbek translation of it was carried out by Sh.Bobokhanov in 1990. This edition was republished with some additions in 2006. Sheik Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf published it in four volumes as “Kanzu-l-odob” in 2008-2009. In addition, Z.Islamov and A.Abdullaev published 380 elected hadiths from it in 2008. These Uzbek translations of this work have an important place in the study of Imam Bukhari and his work “Adabu-l-mufrad”.

Keywords: Imam Bukhari, “Jami'u-sahih”, “Adabu-l-mufrad”, “Kanzu-l-odob”, hadith, ethics, making goodness for parents, commentary, translation.

КИРИШ

Ислом манбашунослигида одобнома жанридаги асарларга алоҳида эътибор берилган. Барча даврларда жамият ҳаёти, инсонлар тарбиясида ўта муҳим бўлган мазкур йўналишдаги асарлар олимлар томонидан яратилган ва улар халқ томонидан қизиқиш билан қабул қилинган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер

Навоий каби йирик даҳоларнинг асарлари бунга ёрқин мисол бўла олади. “Амиру-л-муминин фи-л-ҳадис” “Ҳадис илмида мўминларнинг амири” шарафли номига сазовор бўлган буюк муҳаддис Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг бу соҳадаги илмий мероси диққатга сазовор. Олимнинг илмий мероси ҳадис илми ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган ва бу мерос мусулмон дунёсида тўлиқ эътироф этилган. Имом Бухорий илмий меросида “ал-Жомеу-с-саҳиҳ” шоҳ асар сифатида катта илмий аҳамият касб этади. Шу билан бирга унинг “ал-Адабу-л-муфрад” “Одоб дурдоналари” номли ҳадис тўплами ҳам ҳадис илмининг бетакрор манбаларидан ҳисобланади. Маълумки, Имом Бухорий “Ал-Жомеу-с-саҳиҳ” асарининг таркибига “Китобу-л-адаб” номли бўлимни киритади ва унга мавзуга оид уч юздан ортиқ ҳадисларни жамлайди. Олимнинг ахлоқ, одоб, инсон тарбияси, комил инсонлик сифатлари, ота-она ҳурмати ва умуман жамиятдаги тўлақонли шахс хусусиятлари билан боғлиқ ҳадисларга бўлган қизиқиши мазкур туркумдаги ҳадисларни тўплашга бўлган иштиёқининг нақадар юқори бўлганлигини кўрсатади. Бунинг натижаси ўлароқ Имом Бухорий 1322 та ахлоқ-одобга оид ҳадисларни тўплаган ва уларни “ал-Адабу-л-муфрад” тўпламига киритган.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Одоб дурдоналари” яратилган давриданок турли олимларнинг диққатини ўзига тортган ва унга бағишланган асарлар яратилган, шарҳлар ёзилган ва таржималар амалга оширилган. Жумладан, Аҳмад ибн Муҳаммад Баззор “ал-Адабу-л-муфрад”ни Имом Бухорийдан ривоят қилган. Муҳибуддин Хатиб, Саййид Фазлуллоҳ Жийлонийлар асарни шарҳлаганлар. Шунингдек, Саййид Сиддиқ Ҳасанхон ҳамда Мавлоно Абдулғаффор асарни урду тилига таржима қилганлар. “Ал-Адабу-л-муфрад” асарининг араб тилидаги матни 1970 ҳамда 1980 йиллари Ўзбекистонда икки мартаба чоп этилган.

Имом Бухорийнинг бу нодир асарини ўзбек тилига таржима қилиш ўзбек олимларининг орзуси эди. Бу хайрли иш дастлаб асарнинг

арабча матнини чоп этиш билан бошланган бўлса, таржималар устида улуғ устозлар Зиёвуддин ибн Эшон Бобоҳон, Шамсуддинхон Бобоҳонов, шайх Абдулазиз Мансур, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва яна қатор олимлар ишлаганлар.

Марказий Осиё халқлари орасидаги Имом Бухорий илмий мероси хусусан, “ал-Жомеу-с-саҳиҳ”, “ал-Адабу-л-муфрад” асарларига бўлган қизиқишни маълум маънода қондириш мақсадида 1990 йили “ал-Адабу-л-муфрад” асарининг 272-бобгача бўлган қисми 600 та ҳадис Шамсуддин Бобоҳонов раҳбарлигидаги исломшунос олимлар томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, биринчи мартаба чоп этилган эди. Нашр муаллиф Шамсуддинхон Бобоҳоновнинг муқаддимаси билан бошланган. Китоб “Ўзбекистон” нашриётида 100000 нусхада босилган [1].

2006 йил Тошкентдаги “Мовароуннаҳр” нашриётида шайх Абдулазиз Мансур раислигидаги нуфузли олимлар жамоатчилиги кенгаши томонидан Асрор Самад масъул муҳаррирлигида “Одоб дурдоналари” асарининг ўзбек тилидаги навбатдаги тўлдирилган нашри чоп этилди. Асарнинг ўзбек тилидаги ушбу таржимаси исломшунос олим Шамсуддин Бобоҳонов ва Нўъмон Абдулмажидлар томонидан амалга оширилган. Китоб адиб, олим Асрор Самаднинг нашр ҳақидаги кириш сўзи билан бошланган. Муқаддимага Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг муфтийлар сулоласи – Эшон Бобоҳон, Зиёвуддин ибн Эшон Бобоҳон, Шамсуддинхон Бобоҳоновларга бағишланган “Эътиқодга баҳшида умр” номли катта ҳажмдаги тарихий-фалсафий бадиаси ҳам киритилган. Нашрнинг ўзига хос жиҳати унга Шамсуддинхон Бобоҳоновнинг “Имом Бухорий ва унинг “ал-Адабу-л-муфрад” асари ҳақида” мавзусидаги мақола ҳам киритилган. Мақолада муаллиф ҳадис илми ривожини, Имом Бухорийнинг бу борадаги хизматлари, “Одоб дурдоналари” асари билан боғлиқ муҳим маълумотлар келтирилган [2].

“Одоб дурдоналари” асарининг ўзига хос тадқиқот ва таржимаси сифатида 2008-2009 йиллари амалга оширилган ва “Шарқ”

нашриёт – матбаа бирлашмасида чоп этилган тўрт жилддан иборат нашри шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф томонларидан амалга оширилган. Муаллиф ушбу асарни “Канзу-л-одоб” – “Одоблар ҳазийнаси” номли шарҳ деб атаган. Мазкур нашрда “Канзу-л-одоб” шарҳи ва унинг ёзилиш тарихи, Имом Бухорийнинг таржимаи ҳоллари, ул зотнинг ҳаёти, ижоди ва илмий меросига боғлиқ маълумотлар жумладан, олим асарларининг тўлиқ рўйхати ва уларнинг қисқача тавсифи берилган. Шунингдек, “Одоб дурдоналари” асари ҳақидаги бирламчи манбалардан олинган тафсилотлар, унинг нақл қилинишига оид муҳим маълумотлар ҳам киритилган [3].

2008 йили Имом Бухорий “Одоб дурдоналари” асарининг сайланмаси З.Исломов ва А.Абдуллаевлар томонидан К.Комилов масъул муҳаррирлигида “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмасида чоп этилган. Сайланмага асар матнидан олинган ота-она, яқинларга ҳурмат, бола тарбияси, эзгу амаллар қилиш, раҳм-шафқат, саломлашиш одоби, хушфەъллик каби мавзулардаги 380 та ҳадис киритилган. Китоб 10000 нусхада чоп этилган [4].

ХУЛОСА

“Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” жадал бораётган Янги Ўзбекистон ёшлари тарбиясида миллий қадриятлар асосида шакллантириладиган ахлоқ, одоб кўникмаларида алломалар меросининг ўрни жуда катта. Бу ўринда Имом Бухорий машҳур “Одоб дурдоналари” асарининг аҳамияти беқиёс. Мазкур хайрли ишни амалга оширишда асарнинг ўзбек тилидаги таржималаридан фойдаланиш яхши натижалар беради. Асарнинг янги изоҳли нашрини амалга ошириш ҳам исломшунослар, ҳадисшунослар олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Имом Бухорий. Ал-Адабу-л-муфрад (Адаб дурдоналари). – Тошкент: Ўзбекистон, 1990.
2. Имом Бухорий. Ал-Адабу-л-муфрад (Адаб дурдоналари). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Одоблар ҳазийнаси. – Ж. 1-4. – Тошкент, 2008-2009.
4. Исломов З., Абдуллаев А. Ал-Адабу-л-муфрад (Одоб-ахлоққа оид ҳадислар). Сайланма. – Тошкент, 2008.